

Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2020 йил октябрь ойининг 9-куни жиноят ишлари бўйича Бахмал туман судининг очик суд мажлиси, жиноят ишлари бўйича Ғаллаорол туман суди биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: С.Н.Эргашев,

Судья ёрдамчиси С.Икрамовнинг котиблигида, тарафлардан Ғаллаорол туман прокурори ёрдамчиси У.Эркаев ва адвокат Б.Умматовларнинг иштирокида,

1990 йил 9 апрель куни Ғаллаорол туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, вақтинча ишсиз, оилалик, бир нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Ғаллаорол тумани, Молтоб ҚФЙ Молтоб қишлоғида яшовчи, 2020 йил 24 сентябрь куни муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2020 йил 5 октябрь куни олган Кабулов Жамолиддин Нейматович (Kabulov Jamoliddin Ne'matovich)ни

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланишга оид 1-1304-2001/50-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини муҳокама қилиб, жиноят ишида тўпланган далилларни текшириб, тарафларнинг музокара сўзлари ва судланувчининг охириги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Кабулов Жамолиддин Нейматович 2020 йил 06 август куни соат 18:00 ларда, қасддан баданга тан жароҳати етказиш мақсадида Ғаллаорол тумани, Молтоб МФЙ, Боғишамол қишлоғи ҳудудидаги дала майдонида қўй боқиб юрган вақтида, ҳамқишлоғи Ғаллаорол тумани, Молтоб ҚФЙ, Молтоб қишлоғида яшовчи Тажибоев Аслиддин Абдумаликович билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик натижасида “нима учун мени маҳаллада ғийбат қиласан”-деб, жаҳл устида қўлида бўлган таёқ билан бош қисмига уриб тан жароҳати етказган. Натижада фуқаро А.А.Тажибоев олган тан жароҳати билан Ғаллаорол тумани тиббиёт бирлашмасининг қабул бўлимидан биринчи тиббий ёрдам олган.

Ҳолат юзасидан тайинланган судга оид тиббиёт экспертизасининг 2020 йил 29 август кунги 383-сонли хулосасида фуқаро Тажибоев Аслиддин Абдумаликовичнинг олган тан жароҳати оғирлик даражаси бўйича “Соғлиғининг бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати” деб баҳоланган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Ж.Кабулов айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2020 йилнинг июль ойининг 18-саналарида далада қўй



боқиб юрган вақтида ҳамқишлоғи Аслиддин билан гаплашиб унга алохида кўчиб чиққанлигини айтганлигини, Аслиддин унга “яхши қилибсан, укангни ҳам тезроқ уйлантириб қўйсаларинг, яхши бўлади”-деганлигини, орадан бир хафталар вақт ўтиб махалласида ҳар-хил ғийбат яни “мен оилам ва ота-онам билан келишмай қолиб, бошқа уй излаб юрганлигим” тўғрисида ғийбат гаплар кўпайиб кетганлигини, у ушбу гапни тарқатган шахсни излаб Аслиддин эканлигини аниқлаб 2020 йил 6 август куни Аслиддинни излаб ҳамқишлоғи Хусниддин билан бирга борганлигини, Аслиддин ака Хусниддинни ҳам ғийбат қилиб, Хусниддиннинг акаси Акбарнинг далада йўқолиб қолган қўйини Аслиддин йўқотиб қўйганлигини айтганлигини, у Хусниддин билан бирга бориб шу масалага ойдинлик киритиш учун борганлигини, Аслиддин ака Хусниддинга нисбатан айтган гапларини тан олмаганлигини, кейин улар тортишиб қолганлигини, уларни ажратиб юборганлигини, у ўша куни ҳамқишлоғи Акбар билан бирга қўй боқиб юриб пива истемол қилганлигини, кейин Аслиддиннинг махаллада қилган ғийбатлари эсига тушиб телефон қилиб чақирганлигини, у келганидан кейин унинг махаллада қилиб юрган ғийбат гапларини нима сабабдан тарқатиб юрганлигини, айтган гапларини исботлаб беришини сўраганлигини, Акбар билан тортишиб турган вақтида қўлида бўлган таёқ билан унинг бош қисмига уриб юборганлигини, уни уриш нияти бўлмаганлигини, жахл устида уриб юборганлигини, ундан кечирим сўраганлигини, жабрланувчи уни кечирмаганлигини баён қилиб, ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Ж.Кабулов гарчанд айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берсада, унинг мазкур ҳукмда қайд этилган жиноятни содир қилганликдаги айби, қуйидаги далиллар яъни, судда жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган А.Тажибаевнинг у ҳамқишлоқлари А.Қўшмуродов, Ж.Кабулов ва Х.Йўлдошевлар билан бирга далада қўй боқиб юришлигини, 2020 йил 6 август куни соат 06:00 ларда уйига ҳамқишлоқлари Х.Йўлдошев билан Ж.Кабулов келиб, Хусниддин унга “сиз билан разбор бор, биз билан юринг”-деб, уни Ғаллаорол тумани, Молтоб ҚФЙ, Боғишамол қишлоғидаги тепаликга олиб борганлигини, Хусниддин унга “нима сабабдан қишлоқда менинг устимдан ғийбат гаплар қилиб юрибсиз”-деганлигини, шу орада Хусниддин билан тортишиб қолганлигини, жанжал вақтида Хусниддин юз қисмига бош қисми билан урганлигини, ҳамқишлоғи Жамолиддин уларни ажратганлигини, шундан кейин Жамол ҳам унга “мен қачон квартира излаб юрганлигимни кўрдингиз, Хусниддин менга шу гапни айтиб юрибди” деганлигини, Ж.Кабулов унга “сен қазёлмисан, нима сабабдан бунақа гапларни тарқатиб юрибсан”-деб жахл қилганлигини, кейин Хусниддиннинг отасига телефон қилиб “жанжал бўлаябди, ўғлингизни олиб кетинг” деб чақирганлигини, орадан 5 дақиқалар ўтиб отаси келиб Хусниддинни уршиб жўнатиб юборганлигини, у яна далада қўйларни боқиб юрган вақтида Ж.Кабулов билан А.Қўшмуродов унга телефон қилиб, ўзлари қўй боқиб юрган томонга чақирганлигини, уларнинг олдига борганида Ж.Кабулов унга “қазёлмисан, нима сабабдан ҳар-хил гапларни айтиб юрибсан”-деганлигини,



у Акбар билан ёқалашиб турган вақтида Жамол узокроққа кетганлигини, кейин орқа томонидан бош қисмига нимадир келиб урилганлигини, у маълум муддатга ўзини йўқотганлигини, улар ҳолат содир бўлган жойдан “қўлингдан келганини қил” деб кетиб қолганликларини, у ўрнидан туриб укаси Хусниддинни чақириб у билан Ғаллаорол тумани тиббиёт бирлашмасига бориб биринчи тиббий ёрдам олганлигини, унинг бош қисмига Ж.Кабулов уриб тан жароҳати етказганлигини билганлигини, Ж.Кабуловга қонуний жазо тайинлашни, у билан ярашмаслигини, моддий ва маънавий зарар юзасидан даъвоси борлигини баён қилиб берган кўрсатуви;

Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган А.Қўшмуродовнинг 2020 йил 6 август куни далада қўй боқиб юрган вақтида ҳамқишлоғи Жамол келиб, унга ҳамқишлоғи Хусниддин билан Аслиддан ака иккаласи тортишиб қолганлиги ва уларнинг ўртасидаги жанжал бўлганлигини айтиб берганлигини, у ҳам кейин далада Жамол билан бирга қўй боқиб пива ичимлигини истеъмол қилганлигини, Жамол Аслиддин акани телефон қилиб чақирганлигини, орадан 1 соатлар вақт ўтиб Аслиддин ака уларнинг олдига келганлигини, Жамол Аслиддин акага “нима сабабдан мени уйдан чиқиб, квартира излаб юрибди, деб гап тарқатиб юрибсиз”-деганлигини, Аслиддин ака унинг айтган гапларини тан олмаганлигини, у ҳам Аслиддин акага “кеча мени ғийбат қилган эдингиз, энди буни ғийбат қилаябсиз”-деганлигини, Аслиддин ака билан Жамол ёқалашиб қолганлигини, шундан кейин у ҳам Аслиддин ака билан тортишиб ёқалашиб турган вақтида Жамол кўлида бўлган таёқ билан Аслиддин аканинг бош қисмига урганлигини, Аслиддин аканинг бошидан қон оқиб кетганлигини, шундан кейин уни ҳеч ким урмаганлигини, кейин Аслиддин ака қўйларининг олдига қараб кетганлигини баён қилиб берган кўрсатуви;

Жиноят ишидаги судга оид тиббиёт экспертизасининг 2020 йил 29 август кунги №383-сонли хулосасида А.Тожибоевнинг танасидаги тан жароҳатлари яъни: бошининг ўнг пешана тепа соҳаси урилиб йиртилган тикилган ифлосланган жароҳати, юқори лаб ўнг томон соҳаси урилиб йиртилган тикилган жароҳати, ўнг чакка, ияк ва ўнг тирсак соҳалари шилинма жароҳатлари қаттиқ ўтмас жисмлар билан етказилган бўлиб, тан жароҳатлари олиниш муддати фуқаро ўзи кўрсатган муддат 2020 йил 6 август кунига тўғри келиши мумкинлиги, бошининг ўнг пешана тепа соҳаси урилиб йиртилган тикилган ифлосланган яранинг битиш муддати бир ҳафтадан кўп уч ҳафтадан кам муддатлигини инобатга олиб оғирлик даражаси бўйича “Соғлиғининг бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати” деб баҳоланганлиги, шунингдек гувоҳ Х.Йўлдошевнинг дастлабки терговда берган ва судда ўқиб эшиттирилган кўрсатуви, жиноят ишидаги юзлаштириш баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган ва судда текширилган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Суд, мазкур далилларни ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос, ишончли далиллар деб баҳолаб, Ж.Кабуловни мазкур ҳукмда кўрсатилган жиноятларни содир қилганликда айблаш учун асослар етарли деб ҳисоблайди.



Суд, юқорида келтирилган далиллар ва асосларга таяниб, Ж.Кабулов қасддан А.Тожибоевга “Соғлигининг бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати” етказганликдаги ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ж.Кабуловга жазо тайинлашда, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини эътироф этиб, муқаддам судланмаганлигини ва биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлигини, оилалик бўлиб, бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, қилган айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, шунингдек жабрланувчининг судланувчи билан ярашмаслиги ва унга нисбатан чора кўриш ҳақидаги кўрсатувларини инобатга олиб, унга нисбатан унинг жиноий қилмиш ҳаракати квалификация қилинган модда санкциясида назарда тутилган жазолардан аҳлоқ тузатиш ишлари жазосини санкция доирасида тайинлашни лозим топди.

Суд, жабрланувчи томонидан жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш талаби судга билдирилсада, аммо қанча миқдорда зарар етказилганлиги судга баён қилинмаганлиги ҳамда моддий зарарнинг етказилиши билан боғлиқ ҳужжатлар судга тақдим этилмаганлиги сабабли, унга маълумот ва ҳужжатларни тўплаб, жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни ва Ж.Кабуловга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, ҳукм қилади,

Ҳ У К М :

Кабулов Жамолiddин Нейматович (Abdugatov Hojiakbar Uralovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Ж.Кабуловга Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 109-моддасининг 2-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақи даромадининг 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо ички ишлар идоралари томонидан рўйхатга олиниб, Ж.Кабуловнинг иш ҳақидан ушланган кундан бошлаб ҳисоблансин ва улар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Ж.Кабуловга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.



Жабрланувчи А.Тожибоевга жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар шу суд орқали ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 сутка ичида апелляция тартибида, ушбу муддат ўтказиб юборилса кассация тартибида шикоят беришга ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

С.Н.Эргашев

Аслига тўғри:

